O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIZ. BIBLIOTEKASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
3 OKTABR
PAYSHANBA
№ 124 (26.983)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ИФТИХОР

«ЎзДЭУАВТО»НИНГ УЧ ЮЗ МИНГИНЧИ АВТОМОБИЛИ

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида уч юз мингинчи автомобиль ишлаб чиқарилди. Бу мамлакатимиз ва Ҳамдўстлик мамлакатларида «учарқуш» деб таъриф олган «Нексия» автомобили бўлди.

Асакалик автомобилсозлар меҳнати билан тайёрланаётган «Матиз» кўпчиликка манзур бўлаяпти. Янги русумдаги «Нексия»лар моторининг қуввати аввалгиларига қараганда ўн от кучига ортиқлиги, ўт олдириш механизмининг компьютерлашгани, шиналарининг кенглиги харидор талабига тўла жавоб беради.

Қўшма корхона жамоаси бу йил янги русумдаги 2000 та «Нексия» ишлаб чиқаришни режалаштирди.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *янги русумдаги уч юз мингинчи «Нексия» автомобили; «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси пайвандлаш цехи ишчиси Икромжон Абдуллаев.*

■ **Х. ИСМОИЛОВ ва С. АБДУРАҲМОНОВ олган суратлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Б.Т.Қурбоновни Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Баҳром Тўхтаевич Қурбонов Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 2 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Х.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Хайрулла Жўраев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 2 октябрь

ТОШКЕНТ УЧ ЮЗТА ЯНГИ АВТОБУС ОЛАДИ

«Даймлер Крайслер АГ» концерни бошқаруви аъзоси, Шарқий Европа, Болтиқбўйи, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича Германия иқтисодиёти қўмитаси раҳбари Клаус Юрген Мангольд раҳбарлигидаги делегация бир неча кун давомида мамлакатимизда меҳмон бўлди. Дунёнинг энг йирик автомобилсозлик концерни вакилларини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қабул қилди. Учрашувда сўнгги вақтларда концерннинг автомобилсозлик учун янги технологиялар ва техникавий жиҳозлар етказиб бериш, хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга, мамлакатимиздаги йирик лойиҳаларда қатнашишга қизиқиши ортиб бораётгани таъкидланди. Шунингдек, Германиянинг йирик сармоядорлари, фирма ва компаниялари қаторида «Даймлер Крайслер» ҳам мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш ниятида эканлиги маълум қилинди.

«Даймлер Крайслер АГ» делегациясининг ҳукумат вакиллари, қатор идора ва муассасалар раҳбарлари билан ўтказган музокараларида ҳам Ўзбекистон билан мазкур компания ўртасида истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳалар, иқтисодий дастурлар юзасидан фикр алмашилди.

1 октябрь куни эса делегация аъзолари ташриф якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

— Автомобилсозлик, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги энг йирик компаниялардан бири бўлган «Даймлер Крайслер АГ» Ўзбекистон билан анчадан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, — деди К.Мангольд анжуманда. — Буни пойтахтингиз аҳолисининг узоғини яқин қилаётган автобусларимиздан ҳам билса бўлади, 1992-1995 йиллар давомида биз Ўзбекистонга икки юзта йўловчи автобуси етказиб берган эдик. Мазкур ташриф чоғида биз ўша автобуслар ҳозирги кунга қадар беминнат хизмат қилаётганига амин бўлдик. Бу бир томондан маҳсулотимизнинг юқори сифатидан дарак берса, иккинчи томондан ундан фойдаланаётганларнинг юксак малакасидан ҳам далолатдир.

Ўзбекистон раҳбарияти билан музокаралар чоғида қатор лойиҳаларни давом эттириш ва янгиларини бошлаш имкониятлари борасида фикр алмашдик. Хусусан, Ўзбекистон томони Тошкент шаҳри аҳолиси учун яна уч юзта йўловчи автобуси харид қилишни мўлжаллаётганини маълум қилди. Режага кўра, «Даймлер Крайслер»нинг янги авлод автобуслари кейинги йил баҳор ойларидан Тошкент аҳолисига хизмат кўрсатишни бошлайди.

К.Мангольд журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўсиш суръати мамлакатимизга киритилаётган сармоя ҳажмини ошириш учун яхши асос бўлишини таъкидлади. Шунингдек, у келажакда амалга оширилиши мумкин бўлган янги дастурлар тўғрисида гапириб, «Даймлер Крайслер АГ» Ўзбекистон ҳаво флотини такомиллаштиришда ҳам иштирок этиш ниятида эканини айтди.

■ **(ЎзА)**

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»:

КУЗГИ-ҚИШКИ ЖАДВАЛ БЎЙИЧА

29 октябрдан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси парвозларни кузги-қишки жадвал бўйича бажаришга ўтади. Мавсумга тайёргарлик, унинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

Жаҳон авиакомпаниялари йўналишларида кузги-қишки даврда йўловчилар оқими камаяди. Таътиллар мавсуми тугагач, сайёҳлар сони ҳам қисқаради. Ишбилармон доираларда эса аксинча фаоллик ошади. Бу авиакомпаниялар авиаташувларига барқарор эҳтиёжни сақлаб қолишга имкон беради. Жаҳон авиабозоридаги кучли рақобатга қарамай «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг мавқеи мустаҳкамланиб бораётир. Бунда парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, қатновлар самарадорлигини ошириш ва йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида сифатли хизмат кўрсатиш борасидаги унинг устуворликлари муҳим роль ўйнамоқда.

Маълумки, Ўзбекистон жуда қулай жуғрофий мавқени эгаллаган. У Европа ва Осиё ўртасидаги ўзига хос транспорт йўлаги ҳисобланади. Шу боис, авиакомпания тижорат департаментидан бизга маълум қилишларича, қишки жадвал «елпиғич» принципи бўйича тузилган. Бунда қайта қурилиб, йўловчиларга катта қулайликлар яратилган «Тошкент» аэропортидан самарали фойдаланиш кўзда тутилган. Натижада Европа ва МДҲнинг барча қатновларини Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ қатновлари билан боғлашга эришилади. Бунинг учун эса 2-4 соат кифоя. Қатновлар ўзаро боғланишига кетадиган вақтнинг қисқариши «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га қўшимча йўловчилар ва сайёҳларни жалб этишга имкон яратади. Кузги жадвалга кўра, кўп йўналишларда парвозлар сони аввалгидек сақланиб қолади. Истанбул ва Амритсарга эса парвозлар кўпаяди, Токиога парвозларни бошлаш режалаштирилмоқда. Маҳаллий йўналишлар бўйича парвозлар сонига келсак, улар аввалгидек қолган. Мамлакатимизнинг амалдаги барча аэропортига кунига камида бир марта парвоз амалга оширилиши кўзда тутилган.

Айни кунларда «Умра» ва «Ҳаж» каби чартер дастурларини ва анъанавий «Бангкок» дастурини бажариш бўйича тадбирларга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Маълумки, 1 декабрдан бошлаб жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан сайёҳлар янги йилни кутиб олиш учун Таиландга отланадилар. Ҳозирдаёқ Бангкок йўналиши бўйича жаҳоннинг турли мамлакатларидан буюртмалар тушмоқда. Бу, авиакомпания учун 4 мингга яқин қўшимча йўловчи демакдир.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг барча авиахизматлари, тузилмаларида кузги-қишки мавсумга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Демак, парвозлар хавфсизлиги, қатновларни бажариш самарадорлиги таъминланиб, йўловчиларга аъло даражада хизмат кўрсатилади.

■ **Алишер РЎЗИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БУЮМ БОЗОРЛАРИ НЕГА ЁПИЛДИ?

ЁКИ БУГУН БОЖ, СОЛИҚ ВА САВДО ТАРТИБЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ, БОЗОРЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ҲАҚИДА

Ҳозир икки одамнинг боши қовушса, бозор ҳақида гап кетади. Давраларда ҳам гап айланиб бозорга бориб тақалади. «Бозорлар нега ёпилди?» «Наҳотки одамлар ишсиз қолиб, қийналаётганини билишмаса?» «Шу тартиб ҳозир бизга керакмиди? Яна тўртбеш йил кутилса бўлмасмиди?»..

Бозорда тижоратчилик қилиб келаётганлар даврасида бўлсангиз аччиқ гапларнинг кети узилмайди. Гўёки, «бу ўйланмай қилинган иш, бундан ҳеч қандай фойда йўқ». Бири боғдан, бири тоғдан келиб, фикр юритаётганлар ҳам оз эмас.

Гап «фойда» ҳақида кетганда, мулоҳазани ҳам шундан бошласак. Тўғриси, бугун ким хафа, ким янгича тартибни қабул қилгиси келмаяпти?

Энг аввало, фақат ўз манфаатини ўйлаётганлар. Асосан контрабанда йўли билан мамлакатимизга маҳсулот олиб келаётганлар. Солиқ тўловидан қочаётганлар. Бунақа тоифадаги «тадбиркор»лар, қаттиқ ботса ҳам тўғри гапни очиқ айтган маъқул, газета ўқимаса, телевизор кўрмаса, радио эшитмаса, эртаю кеч фақат кўпроқ пул топиш ҳақида ўйласа, қачон, қайси қарор чиқди-ю, қай йўсиндаги тартиблар ўрнатилмоқда, қаёқдан билсин...

Мана бир мисол: айримлар «295-қарор қабул қилингунга қадар, 2-3 ой олдин «четдан олиб келган моллорингизни тезроқ сотинглар, 1 сентябрдан бошлаб мол-мулклар сертификатсиз сотилишига йўл қўйилмайди, — деб нега огоҳлантиришмади» қабилидаги эътирозларни билдиришмоқда.

Ваҳоланки, шу йил 6 майда ҳукуматимизнинг **«Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»,** 12 июлдаги (248-рақамли) **«Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»,** 19 июлдаги (257-рақамли) **«Республикага истеъмол товарларининг ноқонуний олиб кирилиши ва савдо қилинишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»** ва ниҳоят, 20 августда **«Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларни олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»** сингари қатор қарорлари эълон қилинди.

Четдан олиб келинаётган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилди, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида инсон саломатлигига хавф солувчи (туз, ўсимлик ёғи, спиртли ичимликлар, макарон каби ... ҳоказо, ҳоказо) сифатсиз маҳсулотлар савдосига тўсиқ қўйилди, олиб кирилаётган товарлар учун божхона божи, мажбурий йиғим, қўшимча қиймат солиғи ва божхонада расмийлаштириш ҳақлари ўрнига тўлов даражаси олдингисидан анча паст бўлган ягона божхона тўлови жорий этилди...

(Давоми 2-бетда)

ТОШКЕНТ: КЕЧА ВА БУГУН

(Сурат Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архивидан олинди.)

1970 йилларда энг катта спорт иншооти ҳисобланган «Юбилейний» («Алпомиш») спорт саройи асосан хоккей ва фигурали учиш мактаблари учун мўлжалланганди. Серқуёш республикамизда спортнинг бу қишки турлари ривожланмади. Йиллар ўтгач, бино қаровсиз ҳолга тушиб қолганди.

2001 йилда собиқ спорт саройи ўрнида замонавий, гўзал бино — Ўзбекистон кўргазма савдо маркази қад ростлади.



■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БУЮМ БОЗОРЛАРИ НЕГА ЁПИЛДИ?

ЁКИ БУГУН БОЖ, СОЛИҚ ВА САВДО ТАРТИБЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ, БОЗОРЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳар қандай тузумнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида турли иқтисодий қийинчиликлар, муаммолар вужудга келиши, табиий ҳол. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Бири, масалан, давлатнинг жуғрофий жойлашув ўрни, иқтисодий имкониятлари ва салоҳияти билан боғлиқ бўлса, иккинчиси ўша давлат ҳудудида айрим фуқаролар ва гуруҳларнинг иқтисодиётга қарши (антииқтисодий) ҳаракатлари билан боғлиқдир. Мана шундай ҳолатларда давлатнинг табиий аралашуви вужудга келиши дунё тажрибасидан маълум. Давлат айни шундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тартибга солиш учун тегишли қарорлар қабул қилиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилди.

... Ана шундай ўйлар, мулоҳазалар ва ички-руҳий мунозаралар билан давлат маҳкамалари мутахассисларига мурожаат этишга қарор қилдик. Мақсад — ҳозир айрим ҳамюртларимиз ва тадбиркорларни ўйлантираётган, ташвишга солаётган саволларга жавоб олиш.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида санаб ўтилган (шу йилги 154-, 248-, 257-, 295-) қарорлари мазмуни, моҳияти ва мақсадини қандай шарҳлаган бўлардингиз?

ИСТЕЪМОЛЧИ СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТЛАРДАН ҲИМОЯЛАНАДИ

Саидодил ҒУЛОМОВ,
Республика давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди:

— Ҳозирги кунгача республикага олиб кирилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 409-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхат асосида мувофиқлик сертификатлари талаб қилиб келинарди. Ушбу рўйхатга ўша вақтларда республикага кўплаб олиб келинган айрим товарларнинг турларигина киритилганди. Аммо йиллар ўтиб, Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси ва жуғрофияси кенгайиб бориши натижасида республикага кириб келаётган товарлар турлари ҳам кескин кўпайди. Шу билан бирга, товарларнинг сифат қамрови ҳам сезиларли ўзгармоқда. Бу эса рўйхатга киритилмаган айрим сифатсиз товарларнинг республикага ҳеч қандай тўсиқсиз кириб келиши эҳтимолини оширди. Шу муносабат билан рўйхатни қайта кўриб чиқиш ва ҳудудимизга кириб келаётган сифатсиз товарларга тўсиқ қўйиш зарурияти туғилди ва республика раҳбарияти томонидан кўрилган чоралар бу масалада муҳим қадам бўлди.

. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари нафақат республикага истеъмол товарларини ноқонуний олиб кирилишининг олдини олди, балки турли ноқонуний йўллар билан олиб кирилган товарларнинг ички бозорларда тегишли ҳужжатларсиз савдо қилинишини ҳам қаттиқ назорат остига олди. Шу билан бирга қонун доирасида иш юритувчи инсофли тадбиркорлар учун муайян енгилликлар яратилди. Жумладан, аввал импорт товари учун жисмоний шахслар томонидан тўлаб келинган импорт божи, қўшимча қиймат солиғи ва жисмоний шахслардан ундириладиган йиғим ўрнига ягона божхона йиғими жорий этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги 295-сонли **«Лицензиялашни бекор қилиш, ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори олдинроқ қабул қилинган ҳукумат қарорлари ижросини янада такомиллаштириш ва республикага сифатсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олишга қаратилди.

Қарорга кўра, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоялаш мақсадида, 2002 йил 1 октябрдан бошлаб, юридик ва жисмоний шахслар томонидан республикага олиб келинган барча турдаги истеъмол товарларини божхона расмийлаштируви — фақатгина мувофиқлик сертификати тақдим этилгандагина амалга оширилади. Мувофиқлик сертификатлари эса «Ўздавстандарт» маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўрнатилган тартибда берилади. Шунинг учун ҳам олиб келинган истеъмол товарларини божхона расмийлаштирувига тақдим этишдан олдин, ушбу марказга мурожаат қилиниши мақсадга мувофиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб, якка тартибдаги тадбиркорлар ўзлари олиб келган истеъмол товарларини республика бозорларида чакана савдо қилишлари учун, улардан ўз номларига расмийлаштирилган божхона юк декларацияси, божхона тўловларини тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга мувофиқлик сертификати ҳам талаб қилинади.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзлари олиб келган истеъмол товарларини фақат расмий эълон қилинган дистрибютерларига шартнома асосида, шунингдек, турғун савдо шаҳобчаси ва назорат-касса машиналарига эга бўлган чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга улгуржи сотишлари мумкин. Бунинг учун улар аввалдан ўз дистрибютерларини расмийлаштиришлари, улар билан шартнома тузишлари лозим. Импорт қилинган истеъмол товарларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш вақтида ўз дистрибютерлари рўйхатини ҳам божхона органларига тақдим этишлари шарт.

Бу республикага олиб келинган истеъмол товарларининг республика ички бозорида сотилишини тартибга солиш, назорат қилиш ва сунъий равишда нархларининг ошириб юборилишини олдини олиш имконини беради. **Дистрибютерлик — бу халқаро амалиётда қабул қилинган ва деярли барча ривожланган давлатларда кенг қўлланиб келинаётган товарлар билан савдо қилиш меъёрларидан биридир.**

Бундан ташқари, 2003 йил 1 январидан бошлаб, ёрлиқларида (этикеткаларида) Ўзбекистон Республикаси Давлат тилида товар хусусиятлари тўғрисида ахборот ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномалари бўлмаган айрим турдаги истеъмол товарларини республикага олиб кириш тақиқланади. Бу билан — биринчи навбатда, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофазалаш ва сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилиш ёки улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган нохуш ҳодиса (касаллик)ларнинг олдини олиш мақсади назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорларининг асл мақсадини тадбиркорларга етказиш, уларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш мақсадида божхона органлари томонидан турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан Тошкент шаҳрининг барча йирик буюм бозорларида консультатив ёрдам пунктлари — маслаҳатхоналар очилган. Ҳозир барча божхона масканларида тадбиркорлар билан ана шундай тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Келгусида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар ва тадбиркорлар орасида кенгайтирилган учрашув-мулоқотлар ҳам ташкил этиш режалаштирилган.

ҲАЛОЛ РАҚОБАТ ТАЪМИНЛАНАДИ

Тоҳир ХОЛИҚОВ,
Азамат ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаментининг масъул ходимлари:

— Гапни республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майда қабул қилган 154-рақамли «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қароридан бошласак... **Қарорнинг мазмуни, моҳияти ва мақсади асосан битта: мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва ҳудудимизга олиб кирилаётган товарларни тартибга солиш, юкларни божхонада расмийлаштириш қоидаларини соддалаштириш ҳамда ўзимизнинг ишлаб чиқарувчиларни, бир сўз билан айтганда, ички бозоримизни ҳимоя қилиш.**

Республикага товарлар олиб келинишини тартибга солиш — бу энг аввало, товарларни республикага қонуний олиб кирилишини ва олиб кирувчилар орасида ҳақиқий рақобат муҳити вужудга келишини таъминлашдир. Чунки бир тадбиркор товарни қонуний олиб кириб, тегишли бож ва солиқлар тўласа-ю, иккинчиси уни тўламаса, шубҳасиз, қонуний ҳаракат қилган тадбиркор товарининг баҳоси юқори ва нораҚобатдош бўлиб қолади.

Мазкур қарорга қадар республика чегараларидан турли хил ғайриқонуний йўллар билан олиб ўтилган хориж товарлари бозорларда жисмоний шахслар томонидан тегишли ҳужжатларсиз эркин сотиларди. Сотувчилардан товарнинг расман олиб келинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинмаганлиги учун ғайриқонуний олиб кирган шахсларни аниқлашнинг имкони йўқ эди. Энди эса қарор бу ҳолатларни тартибга солади ва олиб келинган товарларни божхонада расмийлаштириш жараёнини қулайлаштиради. Масалан, илгари олиб кирган товарлари учун божхона божи, мажбурий йиғим, қўшимча қиймат солиғи ва божхонада расмийлаштириш ҳақлари алоҳида-алоҳида тўланиши лозим бўлган бўлса, эндиликда фақат битта ягона божхона тўловигина тўланади, холос.

Тўғри, ҳозир бозорларда, кўча-кўйларда ягона божхона тўлови республика ҳудудига жисмоний шахслар томонидан четдан олиб келинадиган товарлар баҳосининг ошишига олиб келади, деган гап-сўзлар бўлмоқда. Асло ундаймас, аксинча, қарор билан белгиланган ягона божхона тўловининг миқдори илгари белгиланган тўловлар мажмуасига тенг ва кўпгина ҳолларда бирмунча пастдир ҳам. **«Импорт товарларнинг баҳоси энди ошиб кетади...» деган миш-мишлар, фикримизча, айрим фуқароларнинг мазкур қарор моҳиятини тушунмаганликларидан ва мавжуд импорт товарларининг нархларини сунъий равишда ошириш учун қилаётган ҳаракатлари деб баҳолаш керак.**

Қарорнинг 1-бандида тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни юридик шахс ташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказиш белгилаб қўйилган.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай, юридик шахс мақомига эга бўлмаган чакана савдо ходимлари четдан — улгуржи савдо бозорларидан келтирилаётган жуда кўп миқдордаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг сифат сертификатлари йўқлиги бугунги кунда олиб борилаётган тезкор тадбирларда аниқланмоқда. Шу билан бирга божхона масканларини четлаб ўтиб, турли хил қинғир ва ноқонуний йўллар билан товарлар олиб келаётган шахслар ҳам кўплаб учрамоқда.

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ходимлари мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўтказган текширувлар жараёнида юридик шахслар томонидан хориждан олиб келинган товарларнинг аксарият қисми республика биржаларида тузилган «Консигнация» шартномалари асосида киритилган бўлиб, бу товарлар учун ҳисоб-китоблар асосан сўмда амалга оширилганлиги маълум бўлиб қолди. Мазкур фирмалар солиққа тортиладиган даромадлар миқдорини камайтириш мақсадида ушбу товарларни расмий ҳужжатлар бўйича ўзларига тегишли хусусий тадбиркорларга жуда кичик устама билан сотган. Товарларнинг бозорлардаги ҳақиқий баҳоси билан хусусий тадбиркорлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномалари орасидаги фарқ хусусий тадбиркорлар томонидан фирма раҳбарларига нақд пулда тўланган. Хусусий тадбиркорлар эса бозорларда аҳолига ушбу товарларни сотиб олинган баҳоларига нисбатан 10-15 баробар юқори бўлган баҳоларда сотган.

Рақамларга кўз тутинг: хўжалик юритувчи субъектлар томонидан республика ҳудудига олиб кирилган 12 миллиард 447 миллион сўмлик товарлар ўртача 4-5 фоизлик устама билан хусусий тадбиркорларга 13 миллиард сўмга сотилган бўлса, ушбу товарлар аҳолига ўртача 1000 фоизлик устама билан бозорларда 130 миллиард сўмга сотилган.

Масалан: Тошкент шаҳрида жойлашган «Боту савдо» хусусий фирмаси томонидан 2001 йил июль ойидан жорий йилнинг июль ойига қадар Республика товар хомашё биржасида тузилган шартномага мувофиқ, Хитой Халқ Республикасидан 234 тонна чой (бир килограмми 0,4 АҚШ доллари ёки 280 сўм) 53,6 миллион сўмга олиб келинган. Фирма раҳбарияти томонидан солиққа тортиладиган даромадлар миқдорини камайтириш мақсадида хусусий тадбиркорларга ушбу чойларни жуда арзон нархларда, яъни ҳар бир килограммини ўртача 237-300 сўмдан сотган. Хусусий тадбиркорлар эса бу чойларнинг ҳар бир килограммини бозорларда ўртача 1500 сўмдан сотишган.

Худди шундай, «Манар» масъулияти чекланган жамияти томонидан республика ҳудудига махсус рухсатномага эга бўлмаган 21,9 миллион сўмлик ветеринария дори-дармонлари Тошкент шаҳар 2-сонли божхона маскани ходими И. Султонов кўмаги билан ғайриқонуний тарзда расмийлаштирилган ҳолда олиб кирилган ва улар хусусий тадбиркор Ғ.Қурбонов томонидан амалдаги қонунчиликка зид равишда махсус рухсатнома ва сифат сертификатисиз бозорларда сотиб юборилган.

Ҳозирги кунга қадар мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Департамент органлари томонидан кўплаб қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, айбдорлар жавобгарликка тортилди. Тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган жами 1,6 миллиард сўмга яқин маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилиш учун олиб қўйилди. 500 миллион сўмлик товарлар суд томонидан мусодара қилинди. Бунинг натижасида 200 миллион сўмдан зиёд маблағнинг давлат бюджетига тушиши таъминланди.

Савол туғилади: бу каби ҳолатларга тушиб қолмаслик учун нима қилиш керак?

Жавоби жуда содда ва лўнда: тадбиркор авваламбор ўзининг савдо фаолиятини тўғри йўлга қўйиб, «ички бозорни бойитиш орқали ҳалол пул топаман», деган эзгу ниятни мақсад қилиб, чет элдан олиб келаётган турли хил товарларини божхонада тўлиқ расмийлаштирса ва керакли божхона тўловини тўласа бас! Сўнгра бемалол савдо фаолиятини давом эттираверади.

СОЛИҚДАН БЕКИНИШ КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗИЁН?

Ғуломжон МУСАЕВ,
Республика давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бошлиғи:

— Юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро ўзига, фарзандларига, таниш-билишларига сифатли кийим-кечак, оёқ кийим ва бошқа хилдаги турли жиҳозларни харид қилишни истайди. Бироқ, харид қилинаётган истеъмол товарларининг сифати бўлмаса, давлат стандартларига умуман мос келмаса, истеъмол муддати ўтган бўлса, (тўғри, балки сифатли маҳсулотдир, лекин...) божхона масканларини четлаб ўтиб, турли айланма йўллар билан, ҳужжатсиз, тегишли сертификатларсиз, ҳеч қандай бож тўловларисиз юртимизга кириб келаверса, бу табиийки, салбий ҳолатларга олиб келади.

Келинг, уни сифатли, талабга жавоб берадиган маҳсулот ҳам дейлик. Ушбу маҳсулотлар турғун савдо шаҳобчалари орқали савдо қилинса-ю, лекин назорат касса аппаратини четлаб ўтса, банк муассасаларига нақд пуллар топширилмаса (ёки кечиктириб топширилса), бундай салбий ҳолат нақд пул эмиссиясини пасайтириш ўрнига кўпайишига, ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларини, талабаларнинг стипендияларини, нафақахўрларнинг эса пенсияларини ўз вақтида ололмасликларига олиб келади.

Бундан ташқари иқтисодиётимизнинг барқарор бўла боришига салбий таъсир қилувчи омиллардан яна бири — бу хуфёна ишлаб чиқарилаётган турли хил озиқ-овқат, саноат молларидир.

Мамлакатимизда ишбилармонлар, тадбиркорлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Косибларимиз, ҳунармандларимиз чиройли, бежирим, ихчам оёқ кийим, турли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдалар. Лекин уларнинг айримлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотга чет эл фирмаларининг тамғаларини босмоқдалар. Гўёки, чет эл фирмаларининг тамғалари қўйилса, маҳсулотлар тез харид қилинадигандек...

Ҳолбуки, ўзимизнинг сифатли маҳсулотларимизга **«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»** дея чиройли ёрлиқлар, этикеткалар қўйиб, ўзимизнинг фирма, корхона ва ташкилотларимиз номини ёзиб, савдога кенг қўламда чиқариш имконига эгамиз. Ҳар қандай тараққий этган давлат ўзининг барча ички резервларини ишга солиб, биринчи галда, ўзида ишлаб чиқарилган халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотларини кенг қўламда тайёрлашга ва уларни истеъмолчиларга етказиб беришга саъй-ҳаракат қилади.

Давлат солиқ хизмати ходимларининг шу кунлардаги асосий вазифаларидан бири — бу ҳукуматимиз қарорларининг мазмун-моҳиятини фуқароларга содда ва равон тилда тушунтириб беришга қаратилган. Ҳозир бу борада маҳаллий ҳокимликлар, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи тизимлар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда жойларда «савол-жавоб» тарзида амалий семинар-йиғилишлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Ахборот-маслаҳат маркази ва унинг жойлардаги таркибий бўлинмалари иштирокида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўплами ишлаб чиқилди. ДСҚ ҳамда Божхона қўмитаси раҳбарияти «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб кириш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тайёрлашга бош-қош бўлди. Ҳозир бу Низом Ахборот-маслаҳат марказлари орқали солиқ тўловчиларга етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, «Солиқлар ва божхона» хабарномаси ҳамда «Солиқ тўловчи» журналида, Республика телевидениеси орқали эфирга узатилаётган «Солиқ ва биз», «Солиқ ҳақида сабоқлар» кўрсатувларида ҳам Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси юзасидан тушунтиришлар олиб борилмоқда.

Жойларда маҳаллий ҳокимликлар, солиқ, божхона ва прокуратура органлари томонидан тадбиркорларимизга мурожаатномалар тайёрланди. Бозор радиоузеллари орқали тегишли маълумотлар узатилмоқда. Солиқ тўловчиларда қўшимча саволлар туғилган тақдирда улар ДСҚ, ДСБ ва барча шаҳар, туман ДСИларида фаолият кўрсатаётган «Ишонч телефон»ларига мурожаат қилишса (144-98-98), фуқаролар ўзларига тегишли маълумотларни бемалол олишлари мумкин.

БИЗНИНГ ИЗОҲ:

Шу ўринда ҳукуматимизнинг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 295-рақамли қарори ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Қарор республикамизга хориждан товар олиб келиш ва сотиш ишларини янада такомиллаштиради, ички бозорларда рақобат муҳитини яратади. Четдан олиб келинаётган истеъмол товарларида мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлиши ва бу товарлар фақат ва фақат шартнома асосидагина ўзининг расмий дистрибютерларига турғун савдо шаҳобчалари орқали назорат-касса машиналаридан фойдаланилган ҳолда чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга улгуржи тартибда сотилишини таъминлайди. Бу бир томондан, сотилган ҳар қандай товар суммасига ойдинлик киритади ва савдо пуллари тўлиқ банкка тушишига имкон беради, иккинчидан, товар сифатини кафолатлайди.

Шунингдек, қарорда истеъмол товарлари олиб кирган юридик ва жисмоний шахслар божхона расмийлаштирувида ўзининг турғун савдо шаҳобчасига эга бўлган, назорат-касса машиналари билан жиҳозланган расмий дистрибютерлари рўйхатини тақдим этиши ҳамда бу товарларни уларга нақд пулсиз улгуржи тарзда сотилиши кераклиги айтилган. Бу ҳол истеъмол товарлари республикамизга ким томонидан олиб киритилганлигига аниқлик киритиб, чакана савдо фаолияти билан ҳалол шуғулланаётган тадбиркорларни ҳимоя қилади. Қолаверса, республикамизга олиб кирилган товарлар баҳоси билан бозор баҳосини таққослаш имконини беради. Юридик ва жисмоний шахсларнинг олган даромадини солиққа тортиш имконини беради.

Қарорда юридик шахсларга имтиёз берилганлиги ҳам диққатга молик. Улар томонидан технология хомашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар сифатида олиб келинаётган ноозиқ-овқат товарлари белгиланган тартибдаги товар божхона қийматининг 30 фоизи миқдорида истеъмол товарлари импорти учун белгиланган йиғимдан озод қилинади.

АМАЛИЁТГА ИЛМИЙ НУҚТАИ НАЗАР

Тозабек ТОШМУРОДОВ,
Республика Солиқ ва божхона органлари академиясининг халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси бошлиғи, Солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси, иқтисод фанлари доктори, профессор:

— Юқоридаги фикрлардан маълум бўлди-ки, айрим солиқ тўловчилар давлатимиз томонидан қабул қилинган қарорларни нотўғри тушунишаяпти ва натижада ноўрин фикрларга боришяпти.

Маълумки, халқаро бизнесда бирор давлатнинг ички бозорини эгаллашнинг хитойча услуби — арзон мол билан давлатнинг ички бозорини «ишғол» этиш ва бозорни ўз баҳоси таннархидан ҳам арзон товарлар билан тўлдириш сиёсатига аксарият давлатлар дош беролмасдан келган. Бизнинг мустақил давлатимиз ўз миллий менталитетидан келиб чиқиб, бу сиёсатга ва республикамизга сифатсиз товарлар кириб келишига бундан буён чек қўйди. Чунки охирги йилларда четдан келтирилаётган халқ истеъмоли моллари кўпчилик харидорларни ранжитиб, оилалар бюджетига катта зарар бераётганди.

Бугун биз солиқ тўловчиларга шу нарсани етказиб қўйишимиз керакки, халқаро туризм тизими ривожланган айрим давлатлар туристлар учун одатда арзон, ташқи кўриниши «яхши» ва охирги «мода»га ўхшаш (аслида «усти ялтироқ, ичи қалтироқ»), сифатсиз товарларни атай чиқаришади. Мақсад — уларни туристларга сотиш ва фойда олиш. Биздан борган тижоратчи («мокки»)лар эса бу маҳсулотларни сўнгги кезларда тижорат учун мўл-кўл олиб келиб, ички бозоримизни сифатсиз товарлар билан тўлдирдилар ва давлатимизнинг конвертация қилинадиган валютасини четга бериб кела бошладилар...

Шунинг учун ҳам янги 295-қарорда қабул қилинган солиқ механизми бундан кейин сифатсиз маҳсулот олиб келинишига йўл қўймайди. Ҳар бир истеъмол товарлари сифати эндиликда чуқур таҳлил қилинади ва тегишли ҳужжатларга кўра давлат ички бозорига олиб кирилишига рухсат берилади. Халқаро иқтисодий фаолият билан ҳалол шуғулланувчиларни рағбатлантириш мақсадида эса импорт учун 30 фоизлик йиғим (айрим товарлар учун) бекор қилинди. Бу ҳам ўз навбатида халқаро бизнесменлардан эндиликда фақат сифатли истеъмол товарлари олиб келишни талаб қилади.

. Давлат миқёсида қабул қилинаётган солиққа тортишнинг янги механизмлари иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, ички бозорни сифатсиз товарлар «босқини»дан ҳам ҳимоя қилади ва аҳолининг реал даромадини сифатли товарлар ҳисобига кўпайтиради. Шу боиски, кўрилаётган бу тадбирлар «ишбилармонларимиз халқаро тажрибаларни, жаҳон андозалари даражасидаги иқтисодий алоқаларни ўргансин», деган мақсадларда амалга ошириляпти.

Албатта, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилади. Лекин бизда туризм соҳаси ҳали у қадар яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли айрим турфирмалар ёрдамида четга чиқаётган «мокки»чилар (айниқса, тижоратчи аёллар) ички бозоримизга сифатсиз маҳсулотларни ташиқдалар. «Жаҳон туризм ташкилоти»нинг таҳлилига кўра, 2001 йилда «тижорат туризм»и дунё бўйича 2,7 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич бизда 70 фоиздан ошиб кетган.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг энг мақбул йўналишларидан яна бири — Жаҳон савдо ташкилотига кириш. Ўзбекистонни жаҳон бозорига олиб чиқадиган ўнга яқин қатор йўналишлар борки, улар юзасидан ҳам имтиёзли солиқ механизмини тезроқ жорий қилиб, дунё бозоридан ўз жойимизни олишимиз зарур. Бунга фақат бозорни ривожлантириш билангина эришилади. Имкониятларимиз эса етарли.

СОТУВЧИГА ҲАМ, ХАРИДОРГА ҲАМ...

... Бозор бўлган, бўлаяпти, бўлаверади. Республикамиз ҳукумати айни шу нуқтаи назардан ҳам қарорлар қабул қилдики, келгусида ҳар бир бозор сифатсиз товарлар ва «қора иқтисодиёт»дан ҳимояланган, замонавий жиҳозлару замонавий хизмат кўрсатиш талаблари даражасида бўлиши назарда тутилди. Масалан, ҳозир лойиҳа-қурилиш ишлари қизғин кетаётган Отчопар ва бошқа бозорларда энди аввалгидек усти очиқ, тор пештахталар ва нари борса соябонли қилтирик расталар бўлмайди. Сотувчилар молларини узунлиги атиги 80-90 сантиметр бўлган «пештахта»ларга ёйиб ёки пештахта тепасига осиб ташлаб, иссиқда ёниб, совуқда музлаб ўтирмайди. Ёхуд қоронғилик тушиши билан молларини яна йиғиштириб, қопларга солиб ортмоқлаб, уйига ёки танишникида тунаб, азонда буюмларини яна опичлаб олиб бозорга югурмайди.

Қонунларимиз талабларидаги ҳужжатга эга ҳар бир тижоратчи мўъжазгина (ғиштли, ойнаванд ва ҳоказо) дўкончаларга эга бўлади. У қишда иситадиган, ёзда совутадиган ускуналар билан жиҳозланади. (Мавриди келиб, хусусийлаштирилса ҳам ажабмас...) Кечга бориб тушган кунлик даромадларини ҳисоб-китобини қилади, расмий ҳужжатларини тўлдиради, кассани бекитади, пулни топширади, дўконни ёпади-ю огоҳлик тизимига улаб, қўриқлаш хизматига топшириб, уйига хотиржам қайтаверади.

Озодаликни сақлаш, хизмат турларини кўпайтириш, харидорлар эҳтиёжини ўрганиш каби тадбирлар — ҳаммаси рисоладагидек бўлади. Бозорлар кенгаяди. Товарлар тури кўпаяди. Уларнинг сифати ва нарх-навоси ҳуқуқ органлари назоратида туради. Солиқлар миқдори ҳукумат томонидан аҳолининг турмуш даражасига мослаб босқичма-босқич белгилаб борилади...

Мана, бозорларимиз қандай бўлиши кутилмоқда!

Ўйлаймизки, бу режалар Ўзбекистонда яшаётган ва бозорларга кун сайин тушиб тургучи катта-кичик ҳар бир фуқарога шаксиз, маъқул, манзур тушади.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

ХДП ҲАЁТИ

ЭКОЛОГИК ДАСТУР: ИЖРО ВА БУРЧ

Одамларга энди дабдабали, қизил сўзлар ёқмайди. Ҳатто майин, мусиқага монанд нутқ ҳам, агар таг-замини бўш бўлса, кўнгилга ўтирмайди. Аммо юрт, шу тупроқ, халқ тақдири билан боғлиқ мулоҳазалар ҳар қандай юракка йўл топади. Фақат тириклик билан уйғун эканлигида эмас, балки эртанги авлод тақдири ҳам қалб кўзларига нур ато этади.

Бу ўйлар йиғилишга отланаётганимда хаёлимни банд этганди. Бир кун олдин Муборак туманидаги мактаб ўқувчиси Шаҳноза Раҳмонова ҳақида телевидениеда кўрсатув намойиш қилинганди. Шаҳноза Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган. Унинг «Она заминни асра, инсон» номли китоби мактабларда ўрганилаётган экан. Бағрида улкан нефть, газ конлари мавжуд, саратонда тандирдек қиздирадиган туман табиатини сақлаш, экологияни бузмаслик масалаларини мактаб ўқувчиси кўтариб чиқибди. Кишини бефарқ қолдирмайди-а?

ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг VI пленуми вилоят ҳокимлигининг кичик мажлисхонасида бўлди. Муҳокамага қўйилган масалалар бир нечта эди. Бироқ асосий масала мамлакат Президентининг Олий Мажлис сессиясидаги маърузаси, сессия ҳужжатларида ўртага қўйилган, шунингдек, ХДП МКнинг IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар эди.

Эътибор қаратилган масалалардан бири — ХДПнинг Экологик дастури эди. Кенгроқ маълумот олиш мақсадида, пленумдан кейин вилоят кенгашининг иккинчи котиби Рафиқ Ражабов билан суҳбатлашдим.

— **Йиғилишга келишдан бир кун олдин телевидение орқали муборакли мактаб ўқувчиси Шаҳноза Раҳмонова ҳақидаги кўрсатувни кўргандим. Мактаб ўқувчиси табиатни асраш ҳақида рисола битганлиги, у мактабларидаги машғулотларда қўлланма бўлаётганлиги менга ўзига хос воқеа бўлиб туюлганди. Экология қарор ёки кўрсатма билан бўладиган юмуш эмас.**

— Партиямиз Экологик дастурининг қабул қилиниши ҳам шу кун талабидир, — дейди Рафиқ Ражабов. — Келинг, ҳақиқий аҳволга назар ташлайлик. Мамлакатнинг 90 фоиздан ошиқ газ ва нефть маҳсулотлари қазиб олинаётган, туманлардаги тупроқ, иқлим, суғориш имкониятлари бир-биридан ажралиб турадиган Қашқадарё воҳасида ҳам озмунча муаммолар туғилаяптими? Ерларнинг пала-партиш ўзлаштирилиши, мелиорация иншоотларининг сифатсиз қурилганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, Қарши чўлидаги туманлар ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бораяпти. Амалга ошаётган ислоҳотлар туфайли бу муаммоларни ҳал қилиш йўллари изланмоқда.

— **Олайлик, сувдан фойдаланишга бўлган муносабатнинг ўзгариши ҳам давр талабидир. Шундай эмасми?**

— Албатта. Икки-уч йил сув танқислиги вилоятда катта қийинчилик туғдирди. Вилоят ҳокимлиги томонидан бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар самара бераяпти. Барча туманларда 14 мингдан ошиқ сув ўлчагичлар ўрнатилди. Натижада пахта, ғалла ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги ошди. Айни пайтда ичимлик сувидан ҳам тежаб фойдаланиш борасида тадбирлар жорий этиляпти.

— **Ўтган йили ишга тушган улкан ва аҳамияти тенгсиз бўлган Шўртан газ ва кимё мажмуида саноат учун ишлатиладиган сувни тиндириш ва тозалаш иншооти қурилган. Қани энди бундай иншоотлар бошқа корхоналарда ҳам қурилса.**

— Фикрингизга қўшиламан, — дейди Р. Ражабов. — Ичимлик суви, хусусан, Китоб-Шаҳрисабз ва Қашқадарё ўнг қирғоғи ер ости сув конлари заҳирасидан тежаб-тергаб фойдаланиш масаласи ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади. Мен шу ўринда бошқа нарсани айтмоқчи эдим. Партиямизнинг Экологик дастурини амалга оширишга аниқ режалар асосида ёндашмоқ лозим. Партиямиздан сайланган Олий Мажлис депутати — Шўртангаз корхонаси раҳбари Олим Муродов вилоят кенгашининг пленумида ахборот бериб, газ ёнишидан ҳавога чиқаётган заҳарли моддаларни камайтириш, чиқиндисиз технологияни жорий этиш борасида қилинаётган ишларга тўхталди. Муборак нефть-газ унитар шўъба корхонаси бошлиғи, Олий Мажлис депутати, вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси Нуриддин Зайниев раҳбарлигидаги ибратли ишларни ҳам айтмоқ керак. Мен Муборакда, Кўқдумалоқ компрессор станцияси, Зеварда конида бўлганман. Алан конида ҳам. Саратонда оташ уфуриб турадиган бу жойларда янги-янги дарахтзорлар, боғлар барпо этилмоқда. Умуман, дарахтзорлар ва ихотазорларни кўпайтиришга эътибор ҳеч қачон сусаймаслиги керак.

— **Яхши мисоллар келтирдингиз. Аммо Экологик дастур бир кун ёки бир йилда амалга ошадиган қўлланма эмас.**

— Аниқлик ҳақида сўраяпсиз-да, — дейди Рафиқ Ражабов. — Фикрингизга қўшиламан. Пленумда ҳам дастурни юзага чиқариш борасида анча мулоҳазалар билдирилди. Аввало, табиатни, шу ризқ-рўз бериб турган тупроқни асраш ҳаммамизнинг бурчимиз. Партия ташкилотлари дастур асосида ўз режаларини тузишаяпти. ХДП вилоят кенгаши ва «Экосан» халқаро жамғармаси вилоят бўлими ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилган. Вилоят кенгаши экология масалалари доимий комиссиясига Муродулло Ибодов раҳбарлик қилаяпти. Доимий комиссия ичимлик сувидан фойдаланиш, табиатни ифлослантираётган корхоналар фаолиятини такомиллаштириш ва бошқа масалаларни муҳокама қилди. Демак, нафақат партия ташкилотлари, партиямиз фаоллари, балки депутатларимиз орқали ҳам Экологик дастур асосида иш олиб боришимиз лозим. Ўйлайманки, натижалар ёмон бўлмайди...

Ҳар қандай дастур амалий ишга айланган чоғдагина катта наф келтиради. Пленумда қатнашган вилоят кенгаши депутати, экология масалалари доимий комиссияси аъзоси, «Қашқадарёмармар» ҳиссадорлик жамияти бошлиғи Мелик Бурҳонов шундай деди:

— Мен конлар бўйича муҳандисман, демак, амалиётчиман. Аслида ҳар қандай амалий иш ғоя ва режалардан бошланади. Экологик дастур мамлакатимизда табиат, унинг бойликларини асраш борасида амалга оширила бошланган катта тадбирларнинг таркибий қисмидир. Битта мисол: вилоятда мармарни қайта ишлаш корхонамиз зиммасида. Илгари фойдаланган ускуналаримиз самарадорлиги паст эди. Уч йил олдин инвестиция асосида тошни қайта ишловчи энг замонавий ускуналарни Италиядан олиб келдик. Илгари конлардан мармар харсанглари портлатиб қўпорилар, катта қисми чиқиндига айланарди. Энди конларда олмос арралар ишлатилаяпти. Самарадорлик 2-3 баравар ошди. Энг муҳими, табиатнинг инъоми бўлган Китоб мармарини исроф қилиш кескин камайди...

Ҳа, биз сувни, тупроқни, ҳавони, ҳатто тошни ҳам асрашимиз, бойликлардан оқилона фойдаланишимиз лозим. Бугун — бугун, эрта — эртадир. Аммо шу она заминни асраш мангу яшайдиган ғоя бўлиб қолаверади.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

ОЗОДЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

МУСТАҚИЛЛИК ДЕБ АТАЛГАН ТЕНГСИЗ НЕЪМАТ ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЗ-ЎЗИДАН МУСТАҲКАМЛАНИБ ҚОЛМАЙДИ, БАЛКИ У ИНСОН ВА ЖАМИЯТНИНГ ЮКСАК МАДАНИЯТИ, МАЪНАВИЯТИ ВА МАЪРИФАТИГА, ОНГЛИЛИК ДАРАЖАСИ ВА ТАФАККУРИГА АСОСЛАНАДИ

Ўн бир йиллик мустақиллик даври кўҳна тарих олдида бир лаҳза, холос. Аммо, бу давр янги жамият барпо этишдек олижаноб мақсад сари қатъият билан интилиб, бу йўлда салмоқли қадамлар ташлаётган Ватанимиз учун асрларга татигулик тарихий бир босқич бўлди. Яъни, мустақиллик йиллари биз ўз ўтмишимизни холисона баҳолаш, миллий маданиятимизни қайта тиклаш, жаҳон ҳамжамияти, тарих ва келажак олдидаги вазифамизни ҳар томонлама чуқур англаб етиш йиллари бўлди. Ёш демократик давлатни барпо этиш, унинг мустақил сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш, маънавиятини юксалтириш даври бўлди. Озодлик руҳи билан яшаётган халқимизнинг ўз кучига, ўз мамлакатининг ёруғ келажагига ишончи ортди.

Мустақилликни асраш, уни янада мустаҳкамлаш биз учун энг долзарб, энг муҳим вазифа бўлиб қолаверади. Юртбошимиз Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида бу вазифани бугунги тараққиётимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида асослаб бергани ҳам бежиз эмас. Чунки мустақиллик биз учун шу пайтгача қўлга киритган барча оламшумул ютуқларимиз манбаи, буюк келажагимизни таъминлашнинг асосий шартидир. Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз маърузасида тилга олинган саккизта устувор йўналиш ичида, аввало, мустақилликни асраш ва уни янада мустаҳкамлаш масаласи энг долзарб вазифа сифатида белгилаб берилди. Маърузада ҳар томонлама чуқур асослаб берилган бошқа устувор йўналишлар ҳам ана шу бош вазифадан келиб чиқади. Шу билан бирга, мазкур устувор йўналишларнинг ҳар бири, ўз моҳият-эътибори билан, мустақилликни асраш, уни ҳимоялаш ва мустаҳкамлашнинг ўзига хос муҳим бир шарти сифатида намоён бўлади. Масалан, мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш масаласини оласизми, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш вазифасини оласизми ёки инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, сўз ва матбуот эркинлиги, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ ислоҳоти, инсон омили ва мезони, Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш масалаларини оласизми — уларнинг барчаси биринчи ва асосий устувор йўналиш — мустақилликни асраш ва уни янада мустаҳкамлаш билан,узвий боғлиқ эканини кўрамиз. Бундан шундай хулоса чиқадики, бу устувор йўналишларнинг барчаси Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган жамиятни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик асосларини яратиш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган стратегик йўлнинг янада ривожлантирилган ва бойитилган назариясидир.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида сўз ва матбуот эркинлигини қоғозда эмас, балки амалда таъминлашни ҳозирги тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида кўрсатиб ўтгани катта ижтимоий-сиёсий маънога эга. Чунки ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш — бугунги замон тақозоси, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг муҳим ва ажралмас шартидир. Яъни, оммавий ахборот воситалари том маънода «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилгандагина янги жамият барпо этиш соҳасида ҳам улкан натижаларга эришиш мумкин. Бунда, энг аввало, миллий журналистикамиз олдидаги муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Айниқса, журналист кадрларни тарбиялаш, уларнинг илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ўз малакаларини оширишлари, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилишлари долзарб аҳамиятга эга. Шунда улар сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳаётга дадил ва фаол аралашиш, эркин ва мустақил муносабат билдиришга ўрганади, ҳадиксираш, хавотирланиш, тортинчоқлик каби иллатлардан халос бўлади. Маърузада мана шундай натижаларга эришиш учун тегишли қонуний асосларни яратиш зарурлигига ҳам эътибор қаратилгани, хусусан, «Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги, «Телерадио фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш таклифи ўртага ташлангани муҳим амалий қимматга эга.

Президентимиз маърузасида таъкидлаганидек, **«бунга етиб бориш учун Америка, Европа ва Осиёдаги энг ривожланган давлатлар эришган андоза ва меъёрларга чиқишимиз зарур».**

Шу билан бирга, фақат моддий фаровонликни ўйлаб, аввал мустақилликнинг иқтисодий ва сиёсий масалаларини ҳал қилиб олайлик, кейин маънавият-маърифат масалалари билан шуғулланамиз, деган қараш ҳам назарий жиҳатдан хато, амалий жиҳатдан эса зararлидир. Президентимиз бу ҳақиқатни мустақилликнинг илк йиллариданоқ таъкидлаб келади. Чунки жаҳондаги кўп мамлакатлар тажрибаси фақат иқтисодий ва сиёсий тараққиётга интилиб, маънавият ва маърифат масалаларини эътибордан четда қолдирган давлат ва жамиятнинг таг-замини мўрт бўлишини амалда кўрсатиб турибди. Иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий, маърифий ривожланишга, энг илғор, замонавий илм-фан, техника ва технологияларга, умумбашарий илғор тажрибаларга асосланган, инсоннинг моддий манфаатдорлигигина эмас, унинг маънавий камолоти ҳам инобатга олинган ҳамда уларнинг ўзаро уйғунлиги таъминланган тақдирдагина жамият тараққиёти тезлашади, юксак самарага эришилади. Шундай мамлакат ва халқ, ҳеч шубҳасиз, жаҳон цивилизациясининг олдинги сафларида бўлади.

Чунки ҳаёт ҳақиқати шундан иборатки, инсон аввало онги, билими, ақл-заковати ва иродаси билан кучли. Бинобарин, одамлари моддий жиҳатдан етарли даражада таъминланган, аммо маънан қашшоқ бўлган жамиятнинг пойдевори мустаҳкам бўлмайди. Биз мустақиллик йилларида босиб ўтилган мураккаб ва шарафли йўл, орттирилган бой тажриба мисолида шуни яхши биламизки, Президентимиз жамият ҳаётига янги ғояларни татбиқ этишда доимо халқимизнинг миллий ўзига хослиги, қадимий анъана ва урф-одатларини инобатга олган ҳолда иш тутди. Бунинг исботини биз фикр юритаётган маъруза мисолида ҳам яққол кўрамиз. Унда Юртбошимиз мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқадиган либерал ғояларни илгари сурар экан, шу билан бирга, халқнинг ўзига хос анъана ва қадриятларини, унинг маънавиятини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган самарали тизимни шакллантириш вазифасини ҳам ўртага қўйди ва буни қуйидагича асослаб берди: **«Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак. Мана шу уч буюк қадриятни халқимиз асрлар давомида ҳамиша эъзозлаб келган».**

Дарҳақиқат, агар халқимизнинг миллий тафаккури тарихига эътибор берадиган бўлсак, унинг ҳаёти ва тараққиётида ана шу уч қадрият қанчалик катта ўрин тутганига тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз. Биргина буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган сўзларини эслайлик. Мана шу фикрларнинг ўзиёқ халқимизнинг руҳи, тафаккури, маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат каби қадриятлар билан йўғрилиб келгани, уларга эришиш биз учун комиллик белгиси ҳисобланганини билдирмайдими? Бинобарин, Президентимизнинг ана шу уч қадриятга асосланган тизимни шакллантириш борасидаги фикрлари юртимизда комил инсонни вояга етказиш йўлидаги ишларни янада юқори поғонага кўтиришни тақозо этади.

Шу боис маънавий баркамол, сиёсий зийрак, ҳуқуқий билимли ва маданиятли фуқаролар, айниқса, ёшлар камол топадиган жамиятдагина мустақилликни ҳар доим астойдил асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш мумкин бўлади. Президентимиз маърузасида ана шу мақсадга етиш йўллари янада аниқ-равшан кўрсатиб берилган.

Бугун шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, мустақиллик туфайли шаклланган ўзимизга хос тараққиёт йўлимиз — Ўзбек модели, Юртбошимиз томонидан тараққиёт талабларини ҳисобга олган ҳолда, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янги фикр ва ғоялар билан бойитилмоқда, Ватанимизнинг тараққиёт уфқлари янада ойдинлашмоқда. Ҳар биримиз бу ҳақиқатни чуқур англаб, олдимизда турган янги марралар сари янада қатъият билан интилмоғимиз зарур.

■ **Фахриддин МУСАЕВ,**
фалсафа фанлари номзоди

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ИРОҚ АТРОФИДАГИ ШОВ-ШУВЛАР

Мана бир неча ойдирки, Ироқ билан боғлиқ воқеалар ҳамманинг диққат-эътиборини тортиб келяпти. Айрим давлатларнинг, хусусан, Россиянинг оммавий ахборот воситаларида шов-шув кучли. Уларда Ироқни ҳимоя қилаётганларнинг ҳам, Ироқнинг дастидан дод, дегувчиларнинг ҳам сўзлари бериляпти. Аксарият ҳолларда Россия матбуоти бу давлатни жабрланувчи, унинг уруш билан, бомбалаш билан жазолашга арзийдиган айби йўқ, деб талқин қилмоқда. Ҳар қандай уруш бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишига олиб келади, дейишмоқда россиялик сиёсатчилар.

Америка Қўшма Штатларида эса Ироққа ва унинг ҳозирги раҳбарига муносабат бутунлай бошқача. Америкаликлар Саддам Ҳусайнни нафақат уларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига, балки ер юзидаги барқарорликка, тараққиётга, демократик жараёнга таҳдид қилаётган диктатор деб ҳисоблайдилар. Буюк Британия ҳукуматининг сиёсий арбоблари ҳам худди шундай фикрдалар.

Энди учинчи бир давлатлар борки, улар Россиянинг фикрини ҳам, АҚШ билан Буюк Британиянинг фикрини ҳам ақл-идрок тарозисида тортиб кўриб, тўғри, Ироқ билан унинг раҳбари айбсиз эмас, бироқ бу айб ирокликларга қарши уруш очишга асос бўлолмайди, бошқа чоралар кўриш зарур, демоқдалар. Бундай фикр кўпроқ Германия, Франция, Хитой каби давлатларнинг сиёсий доиралари ўртасида мавжуд. Араб дунёси эса ҳозирча фикр билдираётгани йўқ. АҚШнинг яқин ҳамкори ҳисобланган Туркия билан Покистон ҳам урушга хайрихоҳ эмаслар.

Хўш, айни пайтда АҚШ нимага асосланиб Ироқни ва унинг раҳбарини ўзига ашаддий душман деб билади? Саддам Ҳусайн АҚШга, ён қўшниларига ва жаҳонга қандай хавф туғдирмоқда? Америкалик ва Буюк британиялик экспертлар тўплаган маълумотларга қараганда, Ироқда оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш бўйича дастур мавжуд ва ҳозир ана шу дастур юзасидан иш олиб бориляпти. Аниқроғи, экспертларнинг хулосалари қуйидагича: Ироқ бир-икки йилда ядро қуролига эга бўлиши мумкин. Кимёвий, биологик ва ядро қуролларини яратиш учун яширин манбалардан маблағ оляпти. Ракетанинг синов модели лойиҳалаштирилмоқда. Агар бундай ракеталар яратилса, қўшни давлатлардаги ҳарбий базаларни бемалол мўлжалга олиш мумкин. Саддам Ҳусайн Африкадаги давлатлардан биридан катта миқдорда уран сотиб олишга уринган кўрди. Ироқ ўзида оммавий қирғин қуроллари борлиги ва уларнинг ҳужжатларини ҳарбий иншоотларни текширишга борадиган БМТ инспекторларидан яшириши мумкин. Ироқда инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилмоқда. Саддам Ҳусайн ўзининг ички душманларини қийноққа солиш ва қатл қилиш тажрибасини қўлламоқда. Хулласи, экспертлар томонидан тайёрланган ана шундай мазмундаги ҳужжат жаҳон ҳамжамиятига тақдим этилди.

Бугина эмас. АҚШ Ироқни халқаро террористик марказларни қўллаб-қувватловчи давлат, деб ҳисоблайди. Агар бу давлат оммавий қирғин қуролига эга бўлса, уни АҚШга ва унинг иттифоқчиларига қарши ишлатиши мумкин, деб тахмин қилади. Бунда асосан ядро қуроли назарда тутилади ва уни террористлар қўллаши мумкинлиги айтилади. АҚШ ҳукумати 2001 йил 11 сентябрь даҳшатлари яна такрорланмаслиги учун ҳар қандай хавф-хатар туғдириши мумкин бўлган манбага қарши кескин чоралар кўришга чақирар экан, Саддам Ҳусайн режимини ана шундай манбалардан бири деб, уни йўқотиш учун Ироққа зарба беришни зарур, деб ҳисоблайди. Бунинг учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияси керак. Резолюция қабул қилиш учун эса Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларидан бирортаси ҳам қаршилик кўрсатмаслиги шарт. Ваҳоланки, ҳозирча Россия, Франция ва Хитой АҚШнинг таклифини қўллаб-қувватлаши мушкул бўлиб турибди.

Дастлаб АҚШ ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгаши розилигисиз ҳам якка ҳолда Ироққа зарба беражагини маълум қилган эди. Бироқ Жорж Бушнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида бундай кескинлик намоён бўлмади. У бу масалада бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилажагини айтди ҳамда Ироқда ҳарбий амалиётларни амалга ошириш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияси зарурлигини эътироф этди. Бунинг учун Россия, Франция ва Хитой билан музокара олиб боришга тўғри келади. Жорж Буш октябрь ойи ўрталарида Владимир Путин билан бўладиган учрашувга катта умид боғламоқда.

Европадаги аксарият давлатлар Жорж Бушнинг Бош Ассамблеядаги нутқини қониқиш билан қабул қилдилар. Жумладан, Франция Ташқи ишлар вазирлиги бундай жиддий халқаро масалада Буш БМТ билан ҳамкорликка қарор қилганлигидан мамнуният изҳор этди. Кузатувчиларнинг фикрича, АҚШ билан Франция охир-оқибатда бу масалада аниқ бир хулосага келишлари мумкин. Хитойнинг муносабати масаласида эса тахминлар турлича. Ҳозирча аниқ фикр айтиш қийин. Бироқ Германия Ироққа нисбатан ҳар қандай амалиёт ўтказилишига қарши. Ҳатто АҚШнинг энг яқин ишончли ҳамкори ҳисобланган Буюк Британияда ҳам ҳарбий зарбаларга қарши бўлган сиёсий арбоблар йўқ эмас.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Ироқ тугуни ўз ечимини топиши шарт. БМТ раҳбариятининг ҳамда жаҳондаги кўпгина давлатларнинг бугунги саъй-ҳаракатлари шунга йўналтирилган. Агар Ироқ шу пайтгача БМТ Хавфсизлик Кенгаши қабул қилган барча қарорларни бажарса, унга ҳарбий зарба бериш ёки уни нимагадир мажбур қилиш юзасидан янги резолюция қабул қилишга ҳожат қолмайди. Демак, ҳамма гап Ироқнинг ўзида қолган.

■ **Иброҳим НОРМАТОВ,**
сиёсий шарҳловчи

ИККИНЧИ МАРТА КЎЧИРИЛДИ

2001 йил сентябрида АҚШда содир этилган террорчилик ҳуружлари бўйича айбланаётган Закариас Муссауи устидан бўладиган суд 2003 йил июнига кўчирилди. Ишни кўраётган судья Леони Бринкема ҳимоячиларнинг судни 2003 йил январидан июнига кўчириш тўғрисидаги илтимосномасини қондирган. Судьянинг сўзларига кўра, Муссауининг ҳимоячиларига суд жараёнига тайёргарлик кўриш учун қўшимча вақт зарур экан. Дарвоқе, Муссауи устидан бўладиган суд муддати иккинчи марта кўчирилмоқда. Муқаддам бу жараён шу йилнинг сентябрида бошланиши керак эди.

СЕУЛ ЙЎЛЛАРИ



ЯНА ШУБҲАЛИ ХАТ

Халқаро валюта фондининг бир неча юз ходими Вашингтондаги қароргоҳдан (бинода «шубҳали оқ кукунсимон моддали хат» топилгач) зудлик билан олиб чиқилди. Дастлабки таҳлилда кукун таркиби аниқланмади. Экспертиза давом этяпти. Бироқ полиция вакилларидан бирининг айтишига қараганда, хат ичидаги нарса афтидан бирон хавф туғдирмайди.

«ЛИЛИ» — МЕКСИКА КЎРФАЗИ УЗРА

«Лили» довулининг яқинлашуви натижасида шамол тезлиги Кубада соатига 160 километрга етди. Ҳозир довул АҚШ соҳиллари сари кетмоқда. Майамидаги довуллар тадқиқотлари Америка маркази Мексика кўрфазининг шимоли-ғарбий ва шимолий соҳиллари аҳолисини «Лили» ҳаракати йўналишини кузатиб боришлари ҳамда фавқулодда ҳолатларга шай туришлари лозимлиги тўғрисида огоҳлантирган. Негаки, олимларнинг айтишларича, сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси тўфон ёпирилиши мумкин.

ФИРЪАВН ҚИЁФАСИ ТИКЛАНДИ

АҚШ ҳамда Буюк Британиянинг махсус таассуротлар яратиш соҳаси олимлари ва мутахассислари криминалистикада фойдаланиладиган оддий компьютер технологиялари ёрдамида Тутанхамоннинг қиёфасини тиклаганлар. Буюк Британиялик профессор Робин Ричардс фиръавн қиёфаси ўлчовларини аниқлаб берган. Унинг тадқиқотлари асосида махсус таассуротлар яратиш бўйича мутахассислар фиръавннинг уч ўлчовли портретини яратишга муваффақ бўлдилар. У Лондон илмий музейида намойиш этилмоқда.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

Шуни маълум қиладики, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2002 йил 20 август (№100, (26.956) сонида чоп этилган эълондаги Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган «Коммунал таъмирлаш» таъмирлаш-қурилиш бошқармаси давлат унитар корхонаси савдодан олинди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «TRANSOIL» масъулияти чекланган ширкатининг ваколатхонаси **ТУГАТИЛАДИ**. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Телефонлар: 152-16-58, 130-29-33.

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

ХАЛҚ БАНКИ – ОИЛА БАНКИ

ХАЛҚ БАНКИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ ҲАҚИДА

Аҳоли билан ишлаш борасидаги тарихий анъаналарни давом эттириб, одамларнинг омонатларини жалб қилиш борасида етакчилик қилиб келаётган давлат-тижорат Халқ банки ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, унинг Андижон вилоят бошқармаси ва унинг шаҳар ҳамда туман бўлимларида ҳам молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар тобора ўсиб бораётир.

Давлат-тижорат Халқ банкининг Андижон вилоят бошқармаси тизимида 17 та бўлим мавжуд бўлиб, уларнинг таркибидаги 16 та шаҳобча аҳолига банк хизмати кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Халқ банки томонидан 15 дан зиёд омонат турлари мавжуд. Аҳоли омонатларининг банкдаги қолдиқлари жорий йилнинг бошида 736,4 миллион сўмни ташкил этган бўлса, шу йилнинг 1 августига келиб бу кўрсаткич 1 миллиард 343,1 миллион сўмга етди. Шу жумладан, муддатли омонатлар қолдиғи 2002 йил 1 январдаги 98,7 миллион сўмдан 1 июлга қадар 125,2 миллион сўмга ўсган.

«Ишонч», «Аср совғаси», «Нуроний», «Тома-тома кўл бўлур», «Олтин водий», «Кексалик гашти», «Бахтли болалик», «Саховат», «Қадрият», «Омад», «Жамғарма» сингари омонат турлари фуқароларнинг бўш пул маблағларини жалб этишда анча фойдали бўлаётир. Энг муҳими шуки, аҳолининг банкдаги жамғармаларидан муносиб фойдаланишидадир. Бинобарин, бу жамғармалар омонатчига ҳам, банкка ҳам, бутун мамлакат халқига ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда фойда келтириши зарур. Ҳар бир омонатчи ўз навбатида халқ хўжалигининг ҳақиқий маънодаги инвесторидир. Бундан келиб чиқадики, Халқ банки иқтисодиётнинг аниқ бир тармоғини кредитлаш билан бирга аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга ҳам доимий равишда кредит ажратишни кучайтираётир. Шу боис ҳам Халқ банки аҳолига кредит бериш, жисмоний шахсларнинг уй-жойларини кенгайтириш ва ижтимоий шароитларини яхшилашлари учун кредитлар миқдорини кўтаришни муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблайди.

— У ёки бу лойиҳанинг иқтисодий барқарорлигини баҳолаш учун нималарга эътибор бериш керак? — дейди биз билан суҳбатда Андижон вилоят бошқармаси раҳбари Анваржон Қорабоев. — Халқ банки кичик ва ўрта бизнес вакилларининг лойиҳаларини амалга ошириш борасида катта тажриба тўплаган. Яъни, биз билан ҳамкорлик қилишни мўлжаллаган шерикни ҳар томонлама ўрганамиз. Бунинг учун маркетинг тадқиқотлари амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда бу борада муайян ютуқларга ҳам эришдик. Агар 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига активлар таркибида кредит қўйилмаларининг миқдори 212,1 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг ярмига келиб, 266,0 миллион сўмга етди. 53,9 миллион сўм ўсишга эришилди. Бундан ташқари факторинг операцияси ҳам амалга оширилди, яъни Кейс-Корпорейшн ташкилотига 105 миллион сўм факторинг расмийлаштирилди. 183,1 миллион сўм қисқа муддатли кредитлар, 43,0 миллион сўм ўрта муддатли, 39,9 миллион сўм узоқ муддатли омонатлар ажратилди. Тармоқлар бўйича ҳам кўрсаткичлар юқори бўляпти. Жумладан, саноатга 72,7 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 19,2, транспорт ва коммуникациялар учун 6,5, савдо ва маиший хизмат кўрсатишга 90, қурилишга 36,1, бошқа соҳаларга 41,4 миллион сўм кредит берилди.

Халқ банки вилоят бўлимлари томонидан 375 та кичик ва ўрта бизнес ташкилотларига хизмат кўрсатиб келинаётганлиги айниқса қувончли. Жорий йилнинг 1 июлига қадар 158 миллион сўм кредит берилган бўлса, 1 августгача эса бу кўрсаткич 191 миллион сўмга етди.

Халқ банки бошқармасининг жами активлари миқдори жорий йил январида 926,5 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, июлда эса бу кўрсаткич янада ўсиб, 1 миллиард 958,8 миллион сўмдан ошди. Даромад келтирувчи активлар миқдори ҳам тобора ўсиб бораяпти. Айтайлик, шу йил бошларида бундай активлар 354,8 миллион сўм эди, иккинчи ярим йиллик бошларида эса у анча ўсиб, 605,7 миллион сўмдан ошди, яъни 250,9 миллион сўм ўсишга эришилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда халқаро иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва ривожлантиришга йўналтирилган молиявий сиёсат тобора тезкор, қулай ва ишончли бўлиб бормоқда. Ҳозир минглаб ватандошларимиз дунёнинг исталган нуқтасига исталган пайтда эзгу орзу-мақсадлар билан бориб келиш имкониятига эга. Биров хорижга ўқигани ёки ишлагани, ёинки хизмат сафари билан боради. Ёки қисқа вақт ичида яқин кишингизга зудлик билан пул жўнатишингиз зарур. Ана шундай пайтларда маблағ муаммоси кўндаланг бўлиши мумкин. Халқ банки ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб, юртдошларимизга яна бир қулайлик яратиш йўлида Америкининг пул ўтказиш тизими — «Western Union» билан ҳамкорликдаги банк хизмати турини таклиф қилди. Халқ банкининг Андижон вилоят бошқармасида ҳам бу янгилик илиқ кутиб олинди ва бу ишга дарҳол киришилди. Андижон ва Асака шаҳар бўлимлари «Western Union» халқаро пул ўтказиш тизимига аъзо бўлдилар. Яқин келажакда барча туман бўлимлари ушбу тизимга қўшилади.

Хуллас, давлат-тижорат Халқ банкининг Андижон вилоят бошқармасида амалга оширилаётган ишлар салмоғи ортиб бораётир. Банк хизматчилари Халқ банкини ҳақиқий маънодаги Оила банкига айлантириш йўлида астойдил ғайрат кўрсатишмоқда.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

ҲИНД РАҚСЛАРИ ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ ИЖРОСИДА

Деҳлидаги «Камани Аудиториум» маданият саройида «Кала Кшитиж» деб номланган маданий тадбир бўлиб ўтди. У Ҳиндистон Маданий Алоқалар Кенгаши (ICCR) томонидан ташкил этилди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, ушбу дастур доирасида намойиш этилган ҳинд мумтоз қўшиқ ва рақсларининг барчасини Ҳиндистондаги турли санъат илм даргоҳларида таҳсил олаётган хорижлик талабалар ижро этишди.

Ўзбекистонлик талаба Малика Умарова мазкур қўшиқ ва рақс кечасининг ҳақиқий маликаларидан бири бўлди. Ҳамюртимиз ҳинд халқининг «Одисси» услубидаги мумтоз рақсларидан бирини катта маҳорат билан ижро этиб, кечага тўпланганларнинг олқишларига сазовор бўлди.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимдан буён ҳинд рақсларини ўрганиш ва ижро этишга қизиқиб келаман, — дейди Малика. — Она юртимда Ҳиндистондаги рақс институтида ўқиш учун бўлган махсус танловдан муваффақиятли ўтиб, Шри Рам Бхаратия рақс институтида таҳсил олаётганимга беш йилдан ошди. Устозим Шримати Алока Паникардан бениҳоя миннатдорман. Ундан ҳинд рақсининг жуда кўп сир-асрорларини ўзлаштириб, икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар ривожига бирозгина бўлса-да камтарин ҳиссамни қўша олсам ўзимни бахтиёр ҳисоблар эдим.

Дарҳақиқат, ҳинд мумтоз рақсларини ўрганишнинг нечоғли мураккаб эканини кўпчилик яхши англайди. Шу боис уларни пухта ўзлаштириб олиш учун фақат ҳаваснинг ўзи кифоя қилмайди — талабадан сабр, тиришқоқлик ҳамда зукколик талаб этилади. Чунки ҳинд мумтоз рақсларининг ижроси замирида фалсафий мазмун-моҳият ётади. Бир пайтлар бундай рақслар фақат ибодатхоналардагина ижро этилган. Улар ибодатхона рақслари деб ҳам аталади. Шунинг учун нафақат раққосалар, балки санъат аҳлининг барчаси саҳнага оёқ кийимсиз чиқишади — саҳна муқаддас даргоҳ ҳисобланади.

Ҳамюртларимиз Лайло Кимсанова ҳамда Албина Пушкарева ҳам Малика сингари ҳинд заминида миллий халқ рақсларини пухта ўрганишаётир. Ҳозир улар пойтахтдаги Катхак Кендра рақс институтида таҳсил олишмоқда.

— Ҳиндистонлик ҳаваскорлар, санъат аҳли орасида ҳам ўзбек миллий рақсларини ўрганишга қизиқувчилар жуда кўп, — дейди Л.Кимсанова. — Зеро, шу йил март ойида мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги дипломатия ваколатхонаси ҳамда Катхак Кендра рақс институти томонидан ўзаро ҳамкорликда Деҳлида ўзбек рақсларининг танлови ўтказилгани ва элчихона томонидан ушбу танлов ғолибларига махсус ёрлиқ ва мукофотлар таъсис этилгани бежиз эмас.

Кези келганда қайд этиш жоизки, Ҳиндистон Маданий Алоқалар Кенгаши (ICCR) мамлакатдаги нуфузли муассасалардан бири ҳисобланади. Унинг фаолияти дунё мамлакатларининг халқлари билан маданий алоқалар ҳамда ўзаро тўғри тушунишни мустаҳкамлашга йўналтирилгандир.

■ **Шуҳрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА мухбири**

✧✧✧

Суратда: М. Умарова ҳинд миллий рақсини ижро этмоқда.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Qo'chqor NORQOBIL

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 971

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

YANGILIK

ҲАМ ТАЛАБА, ҲАМ МАСЛАҲАТЧИ

ЁКИ ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ ЯНГИЧА ҚАДАМЛАР ХУСУСИДА

Катта-кичик шаҳарларда баъзи бинолар пештоқидаги «Ҳуқуқий маслаҳатхона» деган ёзувга кўзингиз тушади. Албатта, бундай жойларга одамлар ўз муаммоларига «калит» топиш учун, аниқроқ қилиб айтсак, ўзига зарур бўлаётган ҳуқуқий маслаҳат олишга келишади ва хизмат ҳақини тўлашади.

Биз қаламга олаётган маслаҳатхонада эса одамлардан хизмат ҳақи олинмайди. Маслаҳатни ҳам ёш талабалар беришади.

— Уй-жойдан талаб даражасида фойдаланмаган қўшним Т.Карнилова шу йилнинг бошида хонадонимни сув бостириб юборган эди, — дейди Болкобрун Лидия Александровна. — Ушбу даргоҳга мурожаат қилганимдан сўнг улар даъво ариза тайёрлаб беришди. Ишим ҳозир ҳал бўлиш арафасида турибди.

— Пскент туманида тадбиркорлик билан шуғулланиб, шеригим У. Салимовдан панд еб қолаёзганимда ушбу «Ҳуқуқий муолажа»дан ёрдам сўрадим, — дейди Фахриддин Мухторов. — Натижада қарз ундирилди. Биржа орқали сотилган дўконнинг олди-берди шартномаси бекор қилинди.

Бундай беғараз ёрдамлар Тошкент давлат юридик институти қошида очилган ҳуқуқий маслаҳатхонанинг ёш ҳуқуқшунослари томонидан кўрсатилмоқда.

Мирзаюсуп РУСТАМБОЕВ, институт ректори:

— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин олий таълим олдида етук ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш долзарб масалага айланди. Шуни ўйлаб халқаро меъёрларга таянган ҳолда Ўзбекистон Очиқ жамият институти (СОРОС) жамғармаси ёрдамида «Ҳуқуқий муолажа»ни ташкил қилдик. Мақсад ўқув жараёнига янги технологияни олиб кириш билан бирга назарияни амалиётга яқинлаштиришдир. Шу боисдан талабалар дарсдан бўш вақтларида кишиларга бепул ёрдам бермоқда. Бўлаётган мурожаатлар оила, меҳнат, жиноят ҳуқуқидан бўладими, барчаси баҳоли қудрат ҳал қилинаяпти. Кучи етмаганларини эса устозларидан маслаҳат олишмоқда. Ишончим комилки, ушбу маслаҳатхона юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта фойда беради.

Шоакбар ШОРАҲМЕТОВ, профессор:

— «Ҳуқуқий муолажа»га асосан юқори курс талабалари жалб қилинган. Ўтган қисқа даврда жуда кўп низоли ишларнинг ҳал этилишида улар кўмак бердилар. Энди маҳаллалар билан боғланаяпмиз. Чунки талабалар фуқароларни фақат «Ҳуқуқий муолажа»да қабул қилиш билан чекланиб қолмасдан маҳаллаларга, ижтимоий таъминот бўлимларига ҳам кириб боришса, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳисса қўшган бўладилар.

Нодира ЖОВЛИЕВА, талаба:

— «Ҳуқуқий муолажа»га танлов асосида қабул қилинганман. Фаолиятим давомида назария билан амалиётнинг фарқини англаб етдим. Муҳими, бу ерда талаба фуқароларга хизмат қилиш билан бирга ўзида юрист этикасини, ширинсуҳан бўлиш сингари ижобий фазилатларни шакллантириб боради.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

НАШРНИНГ ЯНГИ СОНИ

«ГУЛИСТОН» — БИР ДАСТА ГУЛ!

Кишилар кўнглига кўрк, зиё бахш этувчи маълум бир воситалар борки, улар орқали одамлар маърифатга дахлдор бўладилар, маънавиятга юз тутадилар. Шундай воситалардан бири юртдошларимизнинг севимли нашри — «Гулистон» журналининг навбатдаги сони босмадан чиқди.

Аввало, журнал муқоваларидаги юртимиз гўзал табиатини акс эттирувчи, мустақиллигимиз айёмларини ёдга солувчи суратларга кўзи тушган ҳар бир журналхоннинг кўнгли орзиқиб кетишини таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Инсон учун озодликдан қадрли неъмат йўқ. Дунёдаги жамики бунёдкорликлар ва яратувчанлик асоси озодликдир. Фақат озод жамиятдагина фаровон яшаш, орзулар рўёбини кўриш мумкин...

Бу кўҳна дунё не-не замонларни бошидан кечирмади. Айниқса, собиқ совет тузумининг халқ бошига солган кулфатларининг асоратлари ҳалиҳали одамларнинг юрагидан кетгани йўқ. Бу ҳол адабиётга ҳам дахл солди. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Ҳар замоннинг ўз муҳри бор...» публицистикасида ана шу мавзуда фикр юритилади. Ва унинг таржимасидаги Расул Ҳамзатовнинг «Доғистоним» асари билан танишган ўқувчилар яна бир ўзига хос кайфиятни туйишлари мумкин.

Шунингдек, журнал саҳифаларидан ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг «От йили» қиссаси, Наим Каримовнинг «Ўзбек дивизиясининг тугатилиши» номли тарихий ҳужжатли изланишлари, Толиб Эрназаровнинг «Сўз ортидаги тарих» сарлавҳали илмий мақоласи ва яна бир қанча бадиий, публицистик жанрдаги асарлар эълон қилинганки, буларни ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Уларнинг бари турли мавзулардан сараланган гуллар янглиғ маънавият бўстонига чирой бахшида этиб турибди.

ФУТБОЛ

5 ОКТЯБРНИ КУТАМИЗ

14th Asian Games BUSAN 2002

Осиё ўйинлари дастуридан жой олган футбол баҳсларини вакилларимиз йирик ҳисобдаги (0:3) мағлубият билан бошлашганди. Футболчиларимиз гуруҳдаги иккинчи учрашувни яқиндагина ФИФА тарикибига қўшилган Фаластин терма жамоаси билан ўтказдилар.

Кўтаринки руҳда майдонга чиққан терма жамоамиз ўйинни ўз фойдаларига ҳал қилди — 2:0. Тўпларни Р.Байрамов ҳамда Б.Ҳайдаровлар киритди.

Ҳамюртларимиз чорак финалга чиқиш учун ҳал қилувчи учрашувни 5 октябрь куни Япония терма жамоасига қарши ўтказишади. Агар футболчиларимиз ушбу ўйинда йирик ҳисобда ғалаба қозонишса, кейинги босқич йўлланмасига эга бўладилар.

Қуйида гуруҳлардаги вазият ҳамда иккинчи тур баҳслари натижалари билан танишинг:

«А» ГУРУҲИ

Жанубий Корея	2	0	0	9:2	6
Малайзия	1	0	1	3:2	3
Уммон	1	0	1	3:5	3
Мальдив о.	0	0	2	1:7	0

30 сентябрь. Мальдив ороллари — Малайзия — 1:3, Уммон — Жанубий Корея — 2:5. **3 октябрь.** Малайзия — Жанубий Корея, Мальдив ороллари — Уммон

«В» ГУРУҲИ

Таиланд	2	0	0	6:0	6
БАА	1	1	0	2:1	4
Вьетнам	0	1	1	0:3	1
Яман	0	0	2	1:5	0

30 сентябрь. Вьетнам — Таиланд — 0:3, Яман — БАА — 1:2. **3 октябрь.** Таиланд — БАА, Вьетнам — Яман.

«С» ГУРУҲИ

Хитой	2	0	0	7:0	6
Ҳиндистон	2	0	0	6:1	6
Туркманистон	0	0	2	1:7	0
Бангладеш	0	0	2	0:6	0

30 сентябрь. Туркманистон — Ҳиндистон —1:3, Бангладеш — Хитой — 0:3. **3 октябрь.** Хитой — Ҳиндистон, Бангладеш — Туркманистон.

«Д» ГУРУҲИ

Япония	2	0	0	7:2	6
Бахрайн	1	0	1	5:5	3
Ўзбекистон	1	0	1	2:3	3
Фаластин	0	0	2	0:4	0

1 октябрь. Япония — Бахрайн — 5:2, Ўзбекистон — Фаластин — 2:0. **5 октябрь.** Фаластин — Бахрайн, Ўзбекистон — Япония.

«Е» ГУРУҲИ

Эрон	2	0	0	12:0	6
Қатар	1	1	0	12:1	4
Ливан	0	1	1	1:3	1
Афғонистон	0	0	2	0:21	0

1 октябрь. Эрон — Ливан — 2:0, Афғонистон — Қатар — 0:11. **5 октябрь.** Афғонистон — Ливан, Қатар — Эрон.

«F» ГУРУҲИ

Кувайт	2	0	0	7:0	6
КХДР	2	0	0	7:1	6
Сяньган	0	0	2	1:3	0
Покистон	0	0	2	0:11	0

1 октябрь. Кувайт — Сяньган — 1:0, КХДР — Покистон — 5:0. **5 октябрь.** Покистон — Сяньган, Кувайт — КХДР.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА ОИЛА

Албина хоним турмушга чиққанида 12 ёшда эди. Бугунги кунда унинг 53 нафар фарзанди бор.

Кўпчилик бу ҳақда эшитганда: «Бўлиши мумкин эмас. Қандай қилиб бир аёл 53 фарзанднинг онаси бўла олади?» дейишади. Жавоби оддий: Албина хоним ҳар доим икки ёки учтадан фарзанд кўрган. Қизиғи шундаки, уларнинг дастлабки 21 нафари ўғил. Фарзандларининг айтишича, ота-оналари қизларини кўпроқ ёқтирармиш.

«Биз ҳам уч эгизак эдик, — дейди Албина хоним. — Икки акам ва мени чақалоқлигимизда болалар уйига ташлаб кетишган. Кейинчалик акаларимни боқувчилар олди. Мен эътиборсиз қолдим. Ўшанда ҳеч қачон болаларимни қаровсиз қолдирмайман, деб ўзимга сўз берган эдим. Лекин улар бунча кўп бўлишини ким ўйлабди дейсиз».

Албиналар оиласи ҳаётининг дастлабки йилларини Аргентинада ўтказишди. Моддий етишмовчилик туфайли Чилига кўчишга аҳд қилишди. Бунинг учун Анд тоғларини кесиб ўтишга тўғри келди. Бир куни тоғда бўрон туради. Шу вазиятда ҳам ҳомиладор бўлган Албина хоним ўз одатини такрорлади: бир ўғил ва икки қиз. Бу вақтда унинг йигирма бир фарзанди ўз қучоғида эди.

Албиналар оиласининг тўнғичлари 30-40 ёшда. Лекин ота-она ҳамиша сермашаққат ҳаёт кечирган. Бугунги кунда ҳам вояга етмаган ўн саккиз фарзанд ва яна ўн беш ойлик эгизакларни катта ҳаёт сари етакламоқдалар.

Шундай катта оила Колина шаҳарчасидаги кичик бир кулбада истиқомат қилади. Бу ерда болаларнинг улғайиши учун етарли шарт-шароит мавжуд эмас. Ота-она ҳам моддий жиҳатдан оилани тўла таъмин эта олмайди.

Лекин улар ҳамон бола кўриш ниятидалар. Айтишларича, фарзанд туғилишининг олдини олиш аждодлар эътиқодига зид эмиш. Болаларнинг отаси 79, онаси эса 61 ёшда.

Улар учун бу муаммо эмас. Энг катта муаммо — фарзандларга исм топишдир. Ҳозир оилада уч нафар Сузанна, уч нафар Мириам, икки Эстрелла ва икки нафар Соледадес бор.

■ **Хорижий манбалар асосида Анвар САМАДОВ тайёрлади.**

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши Ибн Сино номли маданият маркази директори А. Азизовга акаси **ТЕШАБОЕВ Абдурасул Азизович**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.